

СТРАТЕГИК ВА МИНТАҚАЛАРДА
КУТУБХОНАСИ
ЎЗБЕК ТИЛДА МИ ТИТУСИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
2-3 МАЙ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН
ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

• 2006-yil • 4-may • Payshanba • 52 (27.544) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҚАРШИ БАЙРАМ ОҒУШИДА

ЭРТАГА ҚАРШИ ШАҲРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2006» РЕСПУБЛИКА СПОРТ
ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бугун Қашқадарё вилояти
маркази катта байрам оғуши-
да. «Кичик олимпиада» номи-
ни олган мактаб ўқувчилари-
нинг «Умид ниҳоллари» рес-
публика спорт ўйинлари ара-

фасида Қарши шаҳри таниб
бўлмас даражада янги қиёфа
касб этди. Қисқа фурсатда
куриб битказилган замонавий
ва жаҳон андазаларига мос
янги спорт иншоотлари шаҳар

хуснига янада хусн кўшди.
Кенг ва раvon кўчаларни айт-
майсизми, атроф гулларга
бурканган.

4-бет



МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ

Мамлакатимизда мактаб, ака-
демик лицей ва ўрта махсус,
касб-хунар коллежлари ўқувчи-
лари ҳамда олий ўқув юртлири
талабалари ўртасида ўтказиб
келинаётган «Умид ниҳоллари»,
«Баркамол авлод» ва «Универ-
сиада» мусобақалари машъа-
ларини Паркентдаги «Физика
— Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш
бирлашмаси материалшунослик
институтига кўёш нурларидан
туташтириш аънаанага айланган.
3 май кун мазкур институт-
да мамлакатимиз мактаб ўқув-
чиларининг Қарши шаҳрида
очилажак «Умид ниҳоллари —
2006» мусобақалари машъа-
ларини кўёш нурларидан ўт-
дириш маросими бўлиб ўтди.
Унда Ўзбекистон мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи, Республика техник
ва амалий спорт турлари мар-
кази, тегишли вазирлик ва идо-
раларнинг масъул ходимлари,

кенг жамоатчилик вакиллари,
спортчилар иштирок этди.
Тадбирда Президентимиз
Ислом Каримов томонидан асос
солинган ёшларни жисмоний
тарбия ва спортга оммавий

жалб этишнинг уч босқичли уз-
луксиз тизими ўз самарасини
бераётгани алоҳида таъкидлан-
ди. «Умид ниҳоллари», «Барка-
мол авлод», «Универсиада» му-
собақаларида фаол иштирок

этиб, сафдошларини хушнуд эт-
ган ўғил-қизлар халқаро миқё-
даги нуфузли турнирларда Ва-
танимиз шарафини муносиб
ҳимоя қилмоқдалар.
Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Кўёш нурларидан аланга
олдирилган «Умид ниҳолла-
ри — 2006» машъаласини
эшак эшиш бўйича Осиё
чемпиони Диана Мирзара-
монова майдонга олиб кир-
ди. У машъалани Паркент ту-
манидаги 1- мактаб ўқувчи-
си Азизбек Шомировга топ-
ширади. Шундай қилиб,
машъала бу йил ўзининг
2700 йиллик тўйини нишон-
лаётган Қарши шаҳри сари
йўл олди.

2600 даражада кўёш нурла-
рида ўт олдирилган машъа-
лани кўйма-кўлиб кетаётган
спортчилар орасида таник-
ли спортчилар бор.

**Холмурод САЛИМОВ,
Ўза мухбири**
Суратда: мусобақа машъ-
аласи ёқилиши маросими-
дан лавҳа.
**Алишер РИСКИБЕВ
(Ўза) олган сурат**



Депутат ва ҳаёт

ЕЧИМИНИ БИРГАЛИКДА ТОПАМИЗ

ана шунда барча муаммоларга барҳам беришимиз мумкин

Ўзбекистон Халқ демокра-
тик партияси Марказий Кен-
гаши раиси, Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депута-
ти Латиф Фуломовнинг пой-
тахтимизнинг Юнусобод ту-
манида сайловчилар билан
бўлган учрашувида бу фикр
яна бир бор таъкидланди.

246-мактабнинг мажлислар
залига туманининг 13-дахасида
истиқомат қиладиган аҳоли ва-
киллари тўпланишди. Депутат
Л.Фуломов ўтган бир ярим йил
мобайнида Олий Мажлиснинг
Қонунчилик палатасида қўйилган
ишлар, кўрилатилган масалалар,
ХДП фракциясининг фаолияти
ҳақида батафсил тўхтади.


— Партиямизнинг асосий фа-
олияти сўл сиёсий мафкурага
ассосланган, — деди у. — Бугун-
ги кунда электротимиз манфа-
атларини самарали ҳимоя қилиш
механизмлари устида ишламоқ-
дамиз. Ўқитувчилар, шифокор-
лар, ёшлар, кексалар, кўп бола-
ли оидалар, ногиронлар ҳамда
аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва
қўллаб-қувватлашга муҳтож
бошқа қатламлари ҳаётининг фа-

ровонлигини ошириш, меҳнатга
қобилиятли аҳолини тўлиқ иш
билан таъминлаш биз учун асо-
сий масала ҳисобланади. Парти-
ямиз аввалгидек, бутун халқ
партияси, деган даъводан бутун-
лай воз кечди. Ўзбекистон ХДП
парламент типидagi электротат
партияси сифатида ўз мафкура-
сини ҳам белгилаб олди.
Шундан сўнг парламентнинг
халқаро алоқалари, ратифика-
ция қилинаётган халқаро ҳуж-

жатларнинг аҳамияти ҳақида
тўхталиб ўтган депутат йнғил-
ганларнинг саволларига ҳам ат-
рофлича жавоб қайтарди.
Савол: — Ўйларимиз эски, 4-5-
қаватларга сув чиқмайди. Уй олди-
даги йўл асфальт қилинмаган. Қиш-
да лой, ёзда чанг бўлиб ётади...
Жавоб: — Бу масалаларни ҳал
қилиш депутатнинг бевосита ва-
колатларига кирмайди. Лекин
биз депутат сўрви орқали ма-
ҳаллий ҳокимлик идораларига

муурожаат этиб, бунинг сабаб-
ларини ўрганишимиз мумкин.
Савол: — Ҳозир иссиқ ва со-
вуқ сув, табиий газ учун хона-
донларга ўлچагичлар ўрнатил-
япти. Уларни сотиб олишга ҳам-
манинг ҳам кучи етмайди. Ас-
лида ўлچагичлар бепул ўрнати-
лиши керак эмасми?
Жавоб: — Бир нарсани яхши
тушуниб олишимиз керакки, биз
бозор иқтисодиёти шароитида
яшаймиз. Ўлچагични ким бизнинг

хонадонимизга текинга ўрнатиб
беради. Эҳтимом кимдир ҳомий-
лик қилиб бунга кўмаклашар. Ле-
кин бундай масъулиятни давлат
ўз зиммасига олмаган. Фақатги-
на имтиёзли кредитлар бериши
мумкин. Давлат одамларни бо-
қилиши эмас, уларга фаолият юри-
тиши, фаоллик кўрсатишлари
учун кенг имкониятлар, шароит-
лар яратиб бериши керак. Биз
шунга талаб қилишимиз мумкин.
Савол: — Кейинги вақтда



Бугунги сонда:

АЁЛ — ҲАЁТ КЎРКИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

янги кун чиқиши муносабати
билан уй-жой муқдорлари
ширкатлари сони янада кўпай-
ди. Лекин уларда ишлайдиган
раҳбар кадрлар етишмайди...

Жавоб: — Бу ҳаммаси бизнинг
ўзимизга боғлиқ. Наҳотки, маъ-
лум ҳудудда яшайдиган шунча
аҳоли орасидан битта УМШни
бошқарадиган одам топила-
майди? Уй-жой муқдорлари ширкатла-
ри ўз-ўзини бошқарадиган нодав-
лат ташкilotи ҳисобланади. Унинг
барча ишларини ташкilot
этиш ҳуқуқи ширкат аъзоларига
берилган. Ширкат аъзолари ора-
сидан исталган кишини бу лаво-
зимга сайлаш мумкин. Агар у
яхши ишлай олмаса, ўрнига яна
бошқасини сайлаш ҳам ўз қўли-
гизда.

Учрашувда депутатга берилган
қўллаб-қувватлов бевосита маҳал-
лий ҳокимликлар ваколатларига
тегишли масалалар билан боғлиқ
бўлди. Шунинг учун бу саволларга
учрашувда иштирок этган Юну-
субод тумани ҳокимининг бирин-
чи ўринбосари Баҳодир Мусаев
қўшимча жавоблар қайтарди.

**Беход ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири**
Суратларда: учрашувдан
лавҳалар.
**Шавкат АҚРАМОВ
олган суратлар**

Газетамизнинг олдинги сонларида
«СИРТКИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»нинг
навбатдагиси Бош вазир ўринбосари,
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раи-
си Светлана Турсунходжаевна Иномова билан
бўлиши эълон қилинган эди. Шундан
сўнг жойлардан тахририятимизга кўплаб те-
лефон кўнғироклари бўлди, хатлар келди.

Газетхонларимиз хотин-қизларнинг дав-
лат ва жамият бошқарувидаги ролини
ошириш, оналик ва болаликни асраш,
аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий-
маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш,
соғлом турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий
тарбияни тарғиб қилиш юзасидан қатор
саволлар, таклиф-мулоҳазалар билди-
ришди.

Газетамизнинг бугунги сониди ушбу
саволларга Бош вазир ўринбосари, Ўзбе-
кистон Хотин-қизлар кўмитаси раи-
си Светлана ИНОМОВА жавоб
беради.

3-бет

ЎЗБЕКISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Халқлараро аэропорт

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШBANK
KOP'LARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

**TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIJA MARKAZI**
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bija@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида
барча банк хизматлари Сизнинг
муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Халқлараро аэропорт

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 2-3 МАЙ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музокараларда Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини назарда тутиб, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сийёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намоёндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам қўриб килинди.

Учрашувлар нихосида Ислмо Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислмо Республикасига ташрифи ақуларига доир Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни қўриб килинди. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни қўриб килинди. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни қўриб килинди. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни қўриб килинди.

Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгаши тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Ҳабиб банк лимитед» ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашишга таъкидланди. Муҳокама этилган барчани масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, қўламли муаммоларга Ўзбекистон ва Покистоннинг муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

— Музокаралар очик, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтди, самарали кечди, — деди Ислмо Каримов. — Ҳам-

корликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этдик ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Қатор халқаро масалаларда қарашларимиз яқин ва ўхшаш, айниқса, хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳамфикримиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Покистоннинг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф террорчиликка қарши кураш янги тактикаси тақозо этаётганини, бу борада баҳамжihatлик ҳаракат қилингандagina қўрилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бу алоҳида бир давлатнинг иши эмас, — деди Покистон Президенти. — Хавфсизлик органлари яқин ҳамкорликда ишлаши, ахборот алмашиши лозим. Аввало, террорчиликнинг молиявий манбаларига барҳам бериш зарур.

Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлаган Парвез Мушарраф ҳамжиҳатлик асосида турли масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорлар ишлаб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ташриф асносида Президент Ислмо

Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон — Покистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Томонлар фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сармоиявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислмо Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси (парламентнинг қўйи палатаси) раиси Чаудри Амин Хусайни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қўриб килинган ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашди. Шунингдек, сармоиявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Чаудри Амин Хусайн мамлакатимиз раҳбарини ташрифнинг самарали натижалари билан қўлаб, Покистон Миллий ассамблеяси Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар-

нинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг федерал сув ҳўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида сув-энергетика маҳмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссиянинг фаолият қўламини кенгайтириш ва янада тақомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримовнинг Покистон Ислмо Республикасига расмий ташрифи нихосига етди. У шуниси билан аҳамиятлики, ҳозиргача 26 ҳужжат билан тартибга солиб келинган ўзаро муносабатлар эндиликда янги суръат билан ривожланади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, эришилган сиёсий келишувлар давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлайди. Иқтисодий битимлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини бойитида. Бир сўз билан айтганда, бу ташриф Ўзбекистон ва Покистоннинг бир-бирини янада яқинлаштирди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Тошкент — Ислмобод — Тошкент.



НИГЕРИЯ

Нигерияда Дарфур бўйича бўлиб ўтаётган музокараларда ҳукумат ва қўзғолончиларга зиддиятларни ҳал қилиш учун яна қўшимча 48 соат берилди.

Тинчлик келишуви яқинда қўриб олиниши керак эди. Бироқ қўзғолончилар базис шартларга қўймагани учун воситачилик қилаётган Африка Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари икки томонга 48 соат муддат беришганди. Аммо бу муддат ичида масала ўз ечимини топмагач, воситачилар яна 48 соат муҳлат беришга келишилди. Шундай қилиб охириги муддат бутун тугайди.

Судан ҳўкумати Африка Иттифоқи томонидан тайёрланган келишув лойиҳасини имзолашга розилик берди. Тинчлик ўрнатиш борасидаги келишув лойиҳаси ҳўкуматга мойил бўлган қўролланган «Жанжавид» отрядларининг қўролчилари ва қўзғолончиларни армия қаторларига жалб этишни кўзда тутган. Бироқ қўзғолончилар бу ҳўжатта асосий муаммолар киритилмаганини билдиришган. Бундан ташқари қўзғолончиларни лойиҳада ақс этган Дарфурдаги ҳўкумат қўламини ва миллий бойликларнинг тақсимланиши шартлари қўриқтирмапти.

Воситачилар томонларни 200 минг одам ҳаётига зомин бўлган Дарфурдаги зиддиятларга тезроқ барҳам беришга ундашмоқда. Бундан 3 йил муқаддам қоратилиб қўзғолончилар қўрол билан Хартумни ишғол қилишга олганганида 2 миллионга яқин одам ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган.

БМТ — ЭРОН

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 5 доимий аъзо давлатлари ва Германия вакиллари Парижда ўтган музокараларда Эронни ядро дастуриндан воз кечишга ишонтирши йўллари топа олмадилар.

Музокара иштирокчилари Эрон ядро дастури дунё ҳамжиҳати талабларига зид келаётганини айтишса-да, бу муаммонинг ечими бўйича ягона келишувга эриша олмади.

АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия Хавфсизлик Кенгаши Эронга нисбатан қатъийроқ резолюция қабул қилишни талаб этишмоқда. Бу эса Техрон урани бойитиш ишларини тўхтатмасанциялар жорий этилишига олиб келиши мумкин.

Москва ва Пекин бир неча бор Эронни дунё ҳамжиҳати талабларига қўлаб қўйишга қўриқганди. Айни пайтда ҳам улар муаммони дипломатик йўллар билан ҳал қилиш ва санцияларни қўлламаслик тарафдоридир.

ИТАЛИЯ

Италия бош вазири Сильвио Берлусконни мамлакат президенти Карло Чампинга истеъфога чиқарганлиги ҳақидаги аризани топширди.

Энди яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида галаба қозongan Романо Проди мамлакат ҳўкумати таркибини шакллантиришга киришса бўлади.

Чампининг ўзи ҳам шу ойда давлат раҳбари лавозимини тарк этади. У янги ҳўкумат билан унинг издоши шуғулланишини истаяпти. Бироқ сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари Чампини Романо Продини шу ҳафтадаёқ бош вазир этиб тайинлашга ундашмоқда.

АРМАНИСТОН

Арманистон пойтахти Еревандан Россиянинг Сочи шаҳрига йўл олган самолёт Қора денгиз устида ҳалокатга учради. Лайнер бортида 113та одам бўлган. «Арманистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига тегишли бўлган «Airbus A-320» самолёти «Алдер» аэропортига қўнишга тайёрланаётганда ҳалокатга учраган.

Охириги маълумотларга кўра, фожиа юз берган жойдан 11 нафар шахсининг жасади топилган. Тирик қолганлар ҳақида хабар йўқ. Қутқарувчилар қийин шароитларда иш олиб боришмоқда. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

ЎЗХДП ҲАЁТИ

МАФКУРАВИЙ ИШДА МУҲИМИ — МАСЪУЛИЯТ

у унутилган жойда бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин, деб таъкидланди Бухоро вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленумида

Бугунги замон шиддати, жаҳон ҳамжиҳатида рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар, хусусан мамлакатимизга қарши қаратилган кенг миқёсдаги ахборот таъвоузи ҳамда ҳуружлар ҳеч кимни берафқ қолдириши мумкин эмас. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги, самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Виложат партия кенгаши пленуми кун тартибига қўйилган масала ҳам долзарблиги боис катта баҳс-мунозарарга сабаб бўлди.

Ўзбекистон ХДП виложат ташкилотларининг партия мафқурасини ривожлантириш ва қўйи бўйларда мафқуравий ишлар самарадорлигини оширишнинг устувор вазифаларини ҳамда партия Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилган виложат партия кенгаши раиси Жалолитдин Нуруллаев ҳам, музокараларда иштирок этганлар бу гал мурасини йиғиштириб қўйдилар. Шу боис бу борада қилинган ишлардан ҳеч ким

қониқиш ҳосил қилмагани шундоқки сезилиб турди.

— Гариб ўтган даврда, аниқроғи, партия Марказий Кенгаши IV пленумидан кейинги ойларида анча тадбирлар ўтказилган бўлса-да, — деди маърузачи, — мафқуравий ишда сустхаликка йўл қўйди. Аксарият туман кенгашилари фақатгина ички партиявий, ташкилий масалалар билан банд бўлиб, асосий иш — мафқуравий фаолиятга етарли эътибор бермаганликлари оқлаб бўлмас ҳолдир. ЎзХДП мафқурасининг асосий тамойиллари — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия тушунчасининг мазмун-моҳиятини партия электорати барча қатламларига тушунтиришда ҳафсаласизликка йўл қўйилгани маълум. Шу боис олдимиқда долзарб вазифалар турбидики, улар биздан масъулият ва жавобгарлик билан фаолият кўрсатишни талаб этади.

Дароқе, партия ҳаётида муҳим жараён — аъзоларни кайта рўйхатдан ўтказиш ишлари давом этаётган айни дамларда ҳар бир аъзо билан партия мафқурасининг дастурий-сиёсий устуворликларини ҳақида яқинма-яқин суҳбатлашиш имконияти тўғилганига қарамай, жойларда ўзибў-

ларчилик кайфияти ҳўкмрон. Айниқса, Олот, Пешку, Ромитан, Жондор туман, Бухоро шаҳар партия кенгашилари фаолиятида бу ҳол аққол кўзга ташланыпти. Бунинг устига жамоатчилик қабулхоналаридан айнан шу мақсадда фойдаланиш, «Истикфол-ёшлар», «Фаол аёллар» қанотлари фаолиятини мазкур йўналишга қаратиш ҳам қониқарли эмас. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти юзасидан ҳам сайловчилар билдираётган эътирозлар ўринли. ХДПдан номзоди кўрсатилган, амалда ҳеч қандай оммавий, сиёсий, маърифий ишларда иштирок этамаётган айрим депутатлар фаолиятга танқидий баҳо берадиган, уларга тегшли чора кўрадиган вақт келди.

— Мен бугунги пленумдан тўла қониқиш ҳосил қилмадим, — деди виложат Болалар жамағармаси раиси Абдулла Музаффаров. — Сабаби виложат кенгаши партия аъзолари ўртасида тарғибот-ташвиқот, тарбиявий ишларни қўрилгандаёқ йўлга қўйилган. Партия электорати саналган — ўқитувчи, шифокор, мактабга тарбия масъулари ҳодимлари билан ҳамдан-кам учрашувлар ўтказилади. Бунинг устига партия

сафларига кўпроқ ёшларни тортиш, уларга тантанали равишда аъзолик билетларини топшириш нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши ёддан кўтарилиганга ўшайди. Ахир, халққа яқинроқ бўлиш учун турли маданий тадбирлар ўтказиш яқин самара беришини барчамиз билемиз-ку.

Матлаб ШОМАМАТОВА,
Когон шаҳар, Бобур маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутати
Когон шаҳар Кенгаши депутати:
— Партияимиз Дастурини бажариш ишлари асосан маҳалладан бошланади. Уни аҳолига етказиш ҳам бизнинг зиммамизда. Нимагадир бу масалаларни йиғилишлардагина эслаймиз. Муаммолар ечим билан ўралашиб, мафқуравий ишларни унутганга ўшаймиш. Бу биринчи навбатда — умумманфаатларимизга зид, мафқурада бўш халқа пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозир фуқаролар йиғинлари раислари сайлов жараёнида биз имкониятдан фойдаланиб қилишимиз керак. Ҳозир нимага эришдик, қаерда эътиборсизлик қилдик — ҳаммасини яқин англаб, кейинги фаолиятимизда бундай камчиликларга йўл қўймаймиз, деб

ўйлайман.
Абдувоҳид АСАДОВ,
Жондор туман кенгаши аъзоси:
— Аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказишда сафимиз бирмунча қамайиши табиий. Аммо, улар ўрнини ёшлар ҳисобига тўлдиримиз лозим. Бунинг учун улар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Бунга эса вақт ва ҳафсала керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шунга ўзимизда куч топа олам, партияимизнинг ёш лидерлари кўпаяди. Ёшлар эса катта, қудратли куч. Бу қуддан тўғри фойдаланган жамият ҳар доим ютади.

Файзулла БЕБУТОВ,
ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши раиси:
— Самара мафқуравий ишларда кўринадиган партия борадаги фаолиятимиз мақтовли бўлмасда-да, мавзайин ишлар қиялмайди. Аммо бу бизни қонқитирмайди. Сабаби биз сайлаган айрим маҳаллий депутатларнинг «иши» битган кўринадиган. Улар сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилишдан қўчишяпти, мафқуравий ишлардан ўзларини олиб қочишяпти.

Пленумда ХДП шаҳар ва туман кенгашиларига тарғибот ва

ташвиқот ишларини янги босқичга кўтариш, электорат орасида оммавий-маърифий ишларни кучайтириш, электорат сиёсий қарашлари мониторингини юритиш, мавжуд тарғибот гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, партия мафқураси устуворликларини тарғиб этиш, бунда тарғибий-ташвиқот ишларининг ҳамма шакли ва услубларидан фойдаланиш, партия аъзолари сиёсий савдоҳонлигини ошириш, ёшларда мафқураимизга ёт сафасатларга нисбатан ишончли иммунитет ҳосил қилишга қўламли шифоқорликни юқлатилди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини муносабат билдирилди. Шу билан бирга виложат партия кенгаши фаолиятини оид қатор бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун эълон қилинган «Олтин қалам» халқаро танлови ғолибларини муқофотлаш маросими бўлиб ўтди.

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишларда ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислмо Каримов раҳнаомлигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқийёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлиши матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ҳодимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли геосиёсий манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви, глобаллашув, мафқуравий курашлар, ахборот ҳуружлари каби жараёнлар давом этаётган бугунги кунда юз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик билан етказишда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари зиммасидаги масъулият янада ортимоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан жорий йилнинг бошида оммавий ахборот воситалари ҳодимлари учун «Олтин қалам» халқаро танлови эълон қилинган эди. Танловнинг «Энг яқин журналистик материал учун» асосий номинациясида телевидение йўналиши бўйича «Ўзбекистон» телерадиокана-

ли «Юксалиш» студияси катта муҳаррири Норқобил Жалилов «Яқинлик» рукнидаги муаллифлик кўрсатувлари учун, радио йўналиши бўйича «Ўзбекистон» телерадиоканалининг бўлим мудири Шарофиддин Тўлаганов халқаро мавзудаги эшиттиришлар туркуми учун, матбуот соҳасида «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг сиёсий шарҳловчиси Иброҳим Норматов долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар учун ғолиб деб топилди. Ғолиблар «Олтин қалам» нишонини ҳамда пул муқофоти билан тақдирландилар.

«Андижоннома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдумутал Абдуллаев «Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун», «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов «Фаол фуқаролик позицияси учун», «Тошкент» телерадиоканали режиссёри Ҳамид Қаҳрамонов «Энг яқин режиссёрлик иши учун», «На родное слово» газетаси шарҳловчиси Ильдар Мударисов

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки тезкор пул ўтказмаларининг янги «ОСИЁ ЭКСПРЕСС» турини таклиф этади.

«ОСИЁ ЭКСПРЕСС» турини таклиф этади.

Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади. Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъи назар 2 фоиз ҳақ тўланади.

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўлими орқали пул маблағларини жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.



**Дурдона ПУЛТОВА,
Термиз шаҳри:**

— Республикада аёл зотиға кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнунман. Юртбошимизнинг байрамимиз муносабати билан биз хотин-қизларга йўллаган табриги мени ҳам чексиз қувонтирди. Саволим, ўқув юртлири, корхона ва маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгаши раисларига иш ҳақи тўлаш ёки уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш масаласини ҳал этса бўлади-ми?

— Бугунги кунда ўқув юртлири, корхона-ташқилот ва маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгаши раислиги вазифасида асосан фидойи ошанингиларимиз хизмат қилишяпти. Уларга иш ҳақи тўлаш ёки моддий жиҳатдан рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Низомида белгиланмаганини учун иш ҳақи тўланмайди. Лекин, олий ўқув юртлири, корхона ва маҳаллалар мутасаддилари уларни боджетдан ташқари маблағлар ёки ҳар бир муассасанинг рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан моддий қўллаб-қувватлашлари мумкин.

**Мавлуда ИСМАТУЛЛАЕВА,
Зомин туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин вазирлик, қонунчилик, корпорация раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари орасида аёллар жуда кам. Менимча, аёл раҳбарларни бундай масъулиятли вазифаларга кўпроқ тавсия этиш керакка ўшайди. Шу ҳақда Сиз нима дейсиз?

— Айни кунда республикада 51 минг 818 нафар аёл турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра, алоқа хизматида фаолият қўриётганларнинг 35,3 фоизини аёллар ташкил этади, бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида — 30,7, халқ таълимида — 50,2, маданият ва санъат тизимида — 37,4, илим-фан соҳасида 26,6, молия, кредит ва сурғурта соҳасида 26 фоизни ташкил этади. Бош вазир ўринбосари, қўмита раислари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, албатта, бундай раҳбарлик лавозимларида ишловчи, ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашадиган, фидойи, жонқуяр хотин-қизларимиз сафи тобора кўпайишига ҳаракат қилмоқда.

**Фазилат АБДУЛЛАЕВА,
«Каттакўрғон ҳақиқати» газетаси муҳбири:**

— Истиклол йилларида мамлакатимизда аёлнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш бўйича амалга оширилган ишлардан қай бирини алоҳида таъкидлашни истардингиз? — Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (1995 йил) эъло қилингач, мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли янада ортиди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, вилоят, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раисларига эса ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди.

Ўзбекистонда БМТнинг «Аёллар камситилишининг барча шакллари барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилинган. Бу иккала ҳужжатнинг амалга татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Шунингдек, аёлнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан яна бири — бу Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидир. Бу аёлларимиз учун кўрсатилган энг катта эътиром ва берилган имконият эканлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан барча бўғиндаги депутатлар алоқаси Сизни қониқтирадими? Депутатлар билан доимий ишлаш механизми яратилгани?

— Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг барча бўғиндаги депутатлар билан алоқасини қониқтириш даражада деб бўлмайди. Шу сабабли Олий Махлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари билан келишган ҳолда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг депутатлар корпуси ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик дастури» икки йўналишда ишлаб чиқилган ва муҳокама этилиб, тасдиқланган. Айни кунларда қўмита ушбу дастурлар асосида депутат аёллар, сиёсий партияларнинг «Аёллар қанотлари» билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини оширишга йўналтирилган турли хил тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

**Гулбаҳор КОМИЛОВА,
ЎзФА тибиёт-санитария бўлими 1-сон шифохонаси гинеколог, Умида АБДУРАЗОҚОВА,
олий тоғнали шифокор:**

— Маълумки, давлатимиз томонидан туғи ёшидаги хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Лекин бу соҳадаги энг биринчи муаммо — камқонлик касаллигидир. Айтингчи, бу ҳасталиқнинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам камқонлик касаллиги хотин-қизлар ўртасида тез-тез учрамоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, Осмё тарқувёт банки) билан ҳамкорликда туғи ёшидаги аёлларда камқонликнинг олдини олиш бўйича қўшимча дастурни амалга оширмоқда. Ушбу дастур доирасида Гематология ва қон қўйиш илмий-текшириш институтлари қишда «Республика анемияга қарши кураш маркази»

ташқил этилган. Ҳукуматимиз томонидан болалар ва аёллар ўртасида камқонликни камайтириш мақсадида сағламентация қилиш, яъни шу тоифадagi аҳолини темир моддаси билан тўйинтириш ишлари кенг йўлга қўйилди. Бу айни кунгача 5 та вилоятда амалга оширилди. Яқин икки йилда мазкур ишлар барча вилоятларда жорий этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ун маҳсулотлари темир моддаси билан бойитилиб, нон ва макарон маҳсулотлари билан фортификация қилиш жорий этилди. Хотин-қизлар қўмитаси аҳоли ўртасида камқонликнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини мунтазам олиб бормоқда.

**Умида УМАРОВА,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани:**

— Мамлакатимизда мактаб ва коллежлар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Лекин болалар боғчалари таъминотининг бутунги аҳоли биз оналарни ўйга толдиради. Боғчалар қачон янгидан қурилади? Таъмирланади? Умуман, таълим тизимидаги ислохотлар боғчаларимизни четлаб ўтмайптими?

— Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотга кўра, айни пайтда республикада 6565 та болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 1633 таси жорий, 426 таси капитал таъмирланиши режалаштирилган. 2006-2007 йилги куз-кўш мавсумига мактабларни тайёрлашда республика бўйича Вазирлар Маҳкамаси

ли ўлароқ 5 йил олдин пенсияга чиқиши мумкин.

**Гулсара САБУРОВА,
Нукус шаҳри:**

— Ҳозир хотин-қизларимизнинг маълум бир қисми ишсиз. Шу боис кейинги пайтда иш излаб хорижга норасмий кетаётганлар учрамоқда. Аммо уларга иш тақдир қилаётганларнинг кўпчилиги фирибгарлар... Айтинг-чи, хорижга қонуний йўл билан ишга боришни хоҳловчилар кимга ва қай тартибда мурожаат қилишлари керак?

— Айни кунда қонуний хорижга ишга кетишнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари «Истиклол авлод» ташкилотининг бўлимлари билан биргаликда ушбу мавзуга доир учрашув ва семинарлар ўтказиб келмоқда. Бу тадбирларда Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирликлари, прокуратура ходимлари катнашиб, аҳоли ўртасида тўлқинтириш ишларини олиб бормоқда. Натижада хорижга иш излаб кетган ва алданиб қолган бир қанча фуқаролар ўз уйларига қайтарилиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатилади.

Хорижга қонуний йўл билан ишга боришни хоҳловчилар республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги, жойлардаги бошқармалари йиғилишда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига мурожаат этишлари мумкин.

давра сўбатлари ташқил этилмоқда. «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси» видеофильми яратилиб, Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилди. Буларнинг натижаси ҳам сезиларли даражада, десак муболага бўлмайди.

Ортиқча расм-русумларни қисқартиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор. Ҳозирда Тошкент шаҳрида, қолаверса, барча ҳудудларда юқоридagi каби иллатларнинг олдини олиш бўйича ҳар бир маҳаллада фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

**Усмон ҚУЧҚОРОВ,
жисмоний тарбия ўқитувчиси
(Самарқанд вилояти):**

— Маълумки, қишлоқ жойларида хотин-қизлардан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлар деярли йўқ. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мазкур муаммонинг ечими борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўтган йили «Аёл ва спорт» комиссияси билан биргаликда йўриқнома ишлаб чиқди. Унга кўра, жойларда педагогик тахрибга эга бўлган жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига аёлларни жалб қилиш мақсадида шу соҳада хизмат қилаётган аёл педагогларга имтиёз яратиш тақдирини кiritилган.

**М.МАМАДАЛИЕВА, М.ҚОБУЛОВА,
Наманган тумани:**

— Ҳозир болалар боғчаларига тўлов миқдори айрим оилалар учун қимматли қилади. Баъзиларнинг бирйўла 2-3 фарзанди боғчага боради. Натижада боғчаларга қановчи болалар сони кескин камайиб кетаяпти. Наманган вилоятида ҳозир 654 та мактабга таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан беш йил аввал эса бу кўрсаткич 880 дан зиёд эди. Боғчалар қисқариши болаларнинг мактабга тайёрлиги даражаси пасайишига олиб келмайтими?

— Ҳақиқатан, Наманган вилоятида 654 та мактабга таълим муассасаси мавжуд бўлиб, болаларнинг уларга қамраб олиниши 2001 йилда 19,5 фоиз бўлса, жорий йилнинг бугунги ҳолатига бу 24 фоизни ташқил этмоқда. Республикада биринчи бўлиб қамраб олилмаган болаларнинг оналарига педагогик-психологик bilimлар бериш мақсадида Тўрақўрғон туманида «Ресурс» маркази ташқил этилди. Вилоятда мактабга таълим муассасалари жамоалари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатли гуруҳлар ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳозирда вилоятда мактабга таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлаш ушбу гуруҳлар орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарорига асосан 1 та боласи мактабга таълим муассасасига қановчи оила учун тўлов пули агар боғча 6 кунлик, 12 соатли иш тартибиде ишлайдиган бўлса, энг кам иш ҳақининг 85 фоизи миқдориде, агар 2 ва ундан кўп фарзандлари қатнаса, энг кам ойлик иш ҳақининг 71 % , агар МТМ 9-10,5 соатли, 6 кунлик иш тартибиде ишласа 73 % , 2 ва ундан ортиқ болага ҳар бири 60 % , МТМ 24 соатлик, 6 кунлик иш тартибиде ишласа 1 бола учун 95 % , 2 ва ундан ортиқ бола учун 79 фоиз тўлов пули тўланади. 5 кун ишловчи 9-10,5 соатли боғчаларга қановчи 1 бола учун энг кам иш ҳақининг 60 % , 2 ва ундан ортиқ болага 50 % миқдориде тўлов пули тўланади. 12 соатли 5 иш куниде ишловчи болалар боғчалариде 1 бола учун 70 % , 2 ва ундан ортиқ болага 59 % , 24 соатли, 5 кунлик иш куниде ишловчи МТМларда тўлов пули 1 бола учун 78 % , 2 ва ундан ортиқ бола учун 65 фоизни ташқил этади.

**Гулчехра ЎРМОҢОВА,
Тўрақўрғон тумани:**

— Ширкатлар ўрнида тузилган фермер хўжалиқларида олдин шу ерда ишлаб, фарзанд тарбияси учун таштилга чиққан ёш оналарнинг ҳуқуқлари қай тарзда ҳимоя қилинади? Унинг эртага ишсиз қолмаслиги қафолатланадими?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддасига асосан болани парвартириш қилиш таътили даврида аёлнинг иш жойи сақланади. Ушбу Кодекснинг 237-моддасига асосан ҳомилдор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган Меҳнат шартномасини иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳолати бундан мустасно). Бундай ҳолларда Меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришда, қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар таъминланган ҳолда амалга оширилади.

«Фермер хўжалиқлари ҳақида»ги Қонунга асосан фермер хўжалиги хўжалик фаолиятини бошқарувчи юридик шахс — субъект ҳисобланади. Меҳнат қонунларига асосан фермер хўжалиги (иш билан таъминловчи) билан ишчи орасида тузилган шартномага биноан ишчи фарзанди бўлганда боласи 2 ёшга тўлгунча қадар нафақа бериши лозим. Ушбу нафақа пулини тўлаш тартиби 2002 йил 14 мартдаги «Ишловчи оналарга боласини 2 ёшга тўлгунча қадар парвартириш қилиш учун бериладиган нафақа тўғрисида»ги Низом билан қафолатланади.

**Шаҳрибону ХАМРОЕВА,
СамДУ ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди:**

— Хотин-қизлар орасида жиноятчилик иллати мавжудлиги жуда афсусланарли. Хотин-қизлар қамқончалари борлиги ҳам аччиқ ҳақиқат. Умуман олганда, қўмитанинг бу борада олиб бораётган амалий ишлари ҳақида гапирсангиз?

— Бугунги кунда баъзи аёлларимизнинг билиб-билмай жиноят йўлига қадам қўяётгани барчамизни ташвишга солади. Бу нафақа Хотин-қизлар қўмитасининг, балки бутун жамиятнинг муаммоси, деб ўйлайман. Бу ҳақда сўз кетганда, оиладаги маънавий муҳит, фарзандлар тарбиясидаги ота-она масъулияти тўғрисида гапирмай бўлмайди. Жиноят содир этган аёлларнинг аксарияти нотинч оилаларга тўри келиши ҳам барчага яқин маълум. Ўйлаб қоламиз, нега баъзида аёлларимиз моддий бойликни деб оналикдан йўқсак мартабасини оёқости қилмоқда?

Менимча, маънавий қашшоқ инсонларига жиноятга қўл уради. Шундай экан, Хотин-қизлар қўмитасининг асосий вазифаларидан бири — аёлларимиз ўртасида маънавий-маърифий ишларни мунтазам равишда олиб боришидир. Жиноят йўлига қадар, ҳозирда жазони ўташ жойларида бўлган аёлларни озодликка чиққан яна тўлақонли ҳаётга қайтариш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси Аёллар колониясини доимий назоратта олган. Бу ерда ҳар ойда қўмита ходимлари томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади, аёллар тиббий қўриқдан ўтказилади.

**Саҳифани Матнозор ЭЛМУРОДОВ,
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
Маммуристон МАҲМУДУ
тайёрлашди**

**ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ
ЙЎЛИДА**

Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги марказий шифохонанинг туғуруқхона мажмуи бутунлай янгилаб қиёфа касб этди. Бино «Ўзбекэнерго» ДАК ва Сирдарё иссиқлик электр станцияси ажратган маблағ ваэвизига «Давр» хусусий қурилиш корхонаси бинокорлари томонидан қисқа муддат ичида мукамал таъмирдан чиқарилди. Шифохона ҳовлисида уч минг туп мевали ва манзарали, тўрт минг тупдан зиёд гул қўчатлари ўтказилиб, кенг қўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Осиё тараққиёт банкининг «Оналар ва болаларни муҳофазаси» лойиҳасига бинона туғуруқхона мажмуи янги, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

**Дилором ЭСОНОВА,
ЎзА махбуби**

**«СОФИНЧ» —
ГРАН-ПРИ
СОВРИНДОРИ**

Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими тўғараклар, айниқса, «Ёш техниклар» маркази ривожига катта эътибор қаратаёпти. Марказ илгари ҳам воҳада ном чиқарган эди. Кейинги пайтда марказида тузилган «Кино» тўғариги санъатга иштиёқманд ёшларни бирлаштира бошлади. Бу мураккаб, айни чоғда энг оммавий санъатнинг сирасорларини ўрганиш-ўргатиш борасида анча ютуқлар қўлга киритилди. Тўғаракнинг ёш киноусталари тайёрлаган экология, миллий удумлар, меҳр-оқибат ҳақидаги ихчам фильмлари мамлакатимизда ўтказилган 2000-2005 йиллардаги кўриқда муттасил биринчи ўринни олиб келди.

Яна хушхабар тарқалди. Шу йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказилган «Меҳр-ли ёғду» кино-фототивестаивалида шаҳрисабзлик ёш санъаткорлар суратга олган «Соғинч» фильми олий мукофот — Гран-при соврини билан тақдирланди.

Дилшоджон Пулатов раҳбарлик қилаётган тўғаракнинг ишлари умид уйғотди. Шаҳрисабзда яқин келажакда алоҳида киностудия ташқил топилш учун имконият етарли. Айни пайтда ёш ижодкорлар Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб киноасар яратишга киришилган.

**Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири**

**РАҲМАТЖОН —
ЎСМИРЛАРНИНГ
«ШАХМАТ ҚИРОЛИ»**

24 апрель — 1 май кунлари Грециянинг Халкидики шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича 2-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. FIDE шафёблигида ўтказилган мазкур мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган 76 нафар ёш шахматчи иштирок этди. Унда 7, 9, 11, 13 ҳамда 15 ёшли мактаб ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

9 партияде 7,5 очко тўрлашга муваффақ бўлган юртдошимиз, Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқувчиси Раҳматжон Раҳимов 13 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Раҳматжон мусобақалар давомида Англия, Греция, Ҳиндистон, Молдова, Туркия ҳамда Руминиядан келган кучли рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди.

«Жаҳон» АА

**«Сиртқи қабул соатлари»
АЁЛ — ҲАЁТ КЎРКИ,
ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ**

сининг 321-сонли қарориде белгиланган таълим объектларидан ташқари, том, иситиш тизими, қозонхона, электр тизимлари капитал таъмирланиши режалаштирилаётган 597 та таълим муассасаси маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилган. Сурхондарё вилоятида 410 та боғча бўлиб, шулардан жадал асосида 323 таси жорий, 41 таси капитал таъмирланиши мўлжалланган. Хотин-қизлар қўмитаси мазкур ишлар рўёбга чиқишида ўзининг амалий тақдирларини билдириб келмоқда.

**Роҳатой МАШАРИПОВА,
Хоразм вилояти, Богот тумани:**

— Қўлон қорабоқ қишлоғида қирқ нафарга яқин хотин-қиз ишлайдиган тикувчилик ва тўкувчилик цехи бўларди. Ҳам хунарли эдик, ҳам оиламизни боқардик. Кейин бир тадбиркор бу цехни хусусийлаштириб олди. Аввалига номига иш юритди, сўнг катта бонус бўлаб қолгач, бузиб ўринга иморат тиклади. Бизлар ишсиз қолдик. Қишлоғимизда хотин-қизлар учун янги иш ўрни очилгач ёрдам бераоласизми?

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қўшма корхоналар ташқил этилгач жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Богот туманида 2004 йили «Боготекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси ишга туширилиб, 360 нафар киши иш билан таъминланди. Жорий йилда «Котонтекс» тикувчилик қўшма корхонаси фаолият бошлади. Бундан ташқари, туманда деҳқончилик, илгачлик, чорвачилик бўйича ташқил қилинган фермер хўжалиқларига мурожаат этган хотин-қизлар ҳам иш билан таъминланмоқда.

Сизнинг қишлоғингизда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари очил мақсадида вилоят ва туман ҳокимлигига, хотин-қизлар қўмитасига, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмасига тақдир билан мурожаат этилди. Улар шартлини ўрганган ҳолда сизга амалий ёрдам берадилар, деган умиддамиз.

**Бибихон ШЕРАЛИЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси Қўрай туман бўлими раиси, ЎзАДП аъзоси:**

— Президентимизнинг оилавий шароитда қанчаларини ривожлантириш бўйича чиқарган Фармони биз аёлларни беҳад қувонтирди. Айтинг-чи, ҳар бир туманда хотин-қизларга ушбу фаолият турли билан шуғулланишлари учун ҳозирги пайтда қандай шарт-шароитлар яратилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан қанчаларини ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида айни пайтда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида 2006 йилнинг 1 чорадаги 8465 та, шу жумладан аёллар учун 2726 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 4276 тага бажарилган. Қўрай туманида меҳнат шартномаси асосида 8 та ишчи ўрни яратилиб, шундан 5 нафар аёл ўқув-таълим таъминоти учун жиҳозлар ишлаб чиқариш билан, 3 нафар аёл «ОАОАПАРТАК» ишлаб чиқариш корхонасида фаолият юритмоқда.

**Фозилат МИРЗАЕВА,
Ғиждувон тумани, пенсионер:**

— Мамлакатимизда кўп болали оналарга қандай имтиёзлар белгиланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

— Фўқаролар давлат нафақаси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга асосан 5 ва ундан ортиқ фарзанд туғиб, 8 ёшгача тарбияланган, иш стажи 20 йилдан кам бўлмаган аёллар умумий тартибдаги пенсия олувчилардан фарқ-

**Қўлибека РАҲИМБЕКОВА,
шюра:**

— Тунги барлар, дискотекалар аслида маданият муассасалари бўлиши керак. Аммо улар фаолиятини қузатсангиз, аксариятида ичкиликбозлик, жанжал ва ахлоқсиз ҳаракатларни кўрасиз. Улар орасида қизлар оз эмас. Ушбу масалада фикрингиз қандай?

— Ёшларнинг бўш пайтларини кўнгилдагидек ташқил эта билмаслик, маҳалла, ота-она, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўқлиги, амалдаги қонунлардан беҳабарлик, ҳуқуқий савиянинг пастлиги ўсимир-ёшлар ўртасида турли хил жиноятларни келтириб чиқараётганлиги сир эмас. Тунги барлар, дискотекалардаги ахлоқсизлик ҳолатлари ҳам мана шу лойқадликнинг натижасида юзага келмоқда. Шунданми, биз қизларни тунги барларда, ахлоқсиз ҳолатларда қўриш нақадар оғирлигини биламиз. Шунинг учун бугун барча мутасадди ташкилотлар билан, хусусан, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан бир ёқадан бош чиқариб ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича саъй-ҳаракат олиб бормоқдамиз. Бу масалада маҳаллалардаги маслаҳатчилар институтидан умидимиз катта. Шу ўринда ёшларимизни жамоат жойларида ўзларини тўта билиш маданияти шаклланишида ота-оналаримиз шахсий намуна кўрсатсалар яқин бўларди, деб ўйлайман.

**Яйра АБДУРАИМОВА,
ЎзАДП 1-курс магистри,
Президент стипендияси соҳибчи:**

— Бадий гимнастика, сузим, теннис каби спорт турлари қизларимиз учун ҳам гўзаллаштирувчи, ҳам саломатлик воситаси ҳисобланади. Аммо спортнинг оғир турлари қизларимизни нафосат ва назокатдан узоқлаштириб юбормайдими? Сиз спортнинг жонқуяр тартибчи сифатида бу масалага қандай қарайсиз?

— Қиз бола аслида назокат ва нафосат тили. Ўзгаларга нафақат билим ва иқтидор, балки ташқи қўриқини билан ҳам заво



ҚАРШИ БАЙРАМ ОҒУШИДА

ЭРТАГА ҚАРШИ ШАҲРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2006» РЕСПУБЛИКА СПОРТ УЙИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЎТҚАЗИЛАДИ

«Умид ниҳоллари — 2006»нинг голиб ва совриндорлари спортнинг 12 тури бўйича аниқланади. Бахсларда ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан 143 нафар (83 нафар ўғил бола, 60 нафар қиз) ўқувчи-спортчи, 17 мураббий ва 14 нафар ҳақмадан иборат жами 174 киши иштирок этади.

Эътиборлиси, Хоразмда ўтган охириги мусобақада голиб чиққан йигит-қизлардан 41 нафар битирувчи Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинди. Бу гал ҳам Қаршида голиб ва совриндорларни ажойиб мукофотлар кутмоқда. Жумладан, умумжамоа ҳисобида голиб бўлган жамоаларга Президент совғаси — «Дамас» автомашиналари топширилади.

Бу йилги бахсларнинг аввалгиларидан фарқи жиҳати, илк маротаба «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларига қуръа ташланди. Мусобақалар дасту-

ридан ўрин олган футбол, волейбол, баскетбол ва кўл тўпи сингари спорт турлари бўйича қатнашадиган жамоаларнинг рақиблари шу йўл билан аниқлаб олинди. Унга кўра, юқоридаги спорт турлари бўйича «Умид ниҳоллари — 2006» бахсларида голиблики кўлга киритган жамоалар дастлабки турни ўтказиб юбориш имконига эга бўлди. Меъморлар — Қашқадарё вилояти спортчилари ҳам жамоавий ўйинларнинг тўғридан тўғри иккинчи босқичидан бахсларга қўшилишди. Бахслар асосан «Насаф», «Динамо» стадионлари, Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежи, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, Қарши Давлат университети академик лицейи, Қарши шаҳридаги Банк, Ахборот технологиялари, Политехника касб-хунар коллежлари спорт мажмуалари, «Нуристон» академик лицейи спорт залларида уюштирилади. «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш ма-

росимлари янги қуриб битказилган «Марказий» стадионда бўлиб ўтади.

Мусобақалар арафасида фойдаланишга топширилган янги иншоотларнинг қурилиши, меъморий лойиҳалари бетакорлиги билан диққатга сазовордир. Жумладан, «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинларининг бир неча тури бўйича бахслар бўлиб ўтадиган Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежи коммуникативий қулайликлари жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Унга хос мазкур спорт мажмуи ўн олти гектарни ташкил этади. Коллежда тўққиз юз ўқувчига мўлжалланган ўқув биноси, ёпиқ спорт манежи, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва кўпжа спорт заллари мавжуд. Бу ерда ёшларнинг спортнинг йигирмадан ортқ тури билан шуғулланишлари ўзинча имкониятлар яратилган.

Бугун юртимиз спортчиларининг жаҳон майдонларида эришган ютуқларида қашқадарёликларнинг ҳам салмоқли улushi бор, албатта. Салкам бир ҳафта давом этадиган «Умид ниҳоллари — 2006» бахсларидан сўнг бу спорт иншоотлари ўз бағрига маҳаллий минглаб ўғил-қизларни олади. Демак, эртага мазкур масканлардан янги-янги қитъа, жаҳон ва Олимпия чемпи-онлари етишиб чиқади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири
Суратларда: мусобақалар ўтадиган спорт мажмуаларидан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган суратлар.



Интер-спорт СУД ФИФАНИНГ САВДО БЕЛГИСИГА ҚАРШИ

«Футбол ЖЧ-2006» савдо белгиси қонуний ҳимоя қилинмайдиган бўлди. Германия олий суди ана шундай қарорга келган. Судларнинг фикрига қараганда, бундай белги оддий «сўзлашувчи» эслатар экан. Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) эса бундай савдо белгисидан фойдаланиш учун жаҳон чемпионати расмий ҳомийлига 860 тадан кўпроқ турли товар ва хизматларни тавсия қилган эди. Судлар эса савдо белгисидан фойдаланиш мазмуни турли англашмовчиликка олиб келиши мумкин, деган фикрда. Шунинг учун ҳам Германия олий суди ФИФАни ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликда айбламоқда. Ваҳоланки, ФИФА бундай савдо белгисидан 750 миллион еврога яқин сармои ишлаши мумкин эди.



«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 6,9,13,16,20,23,27,30 июнь ҳамда 4,7,11,14,18,21,25,28 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказлади. Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош савдо бошқармаси автомобиль базасининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 33-75 ТШ бўлган «ЗИЛ-130» русумли а/в. Бошланғич нархи — 1 250 000 сўм.

Савдоларда қатнашиши истасани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридеги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Арзлар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтамолади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2006 йилнинг 17,24,28,31 март кунлари ўтказилган аукцион савдосида қуйидаги объектлар сотилганини маълум қилади.

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ер участкаларининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи:

Учтепа тумани, Х.Турсунқулов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,015 га. бўлган, савдо расмиси қуриш учун мўлжалланган 2-сонли ер участкасининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи — 4 550 000 сўмга;

Чилонзор тумани, С.Юсуфов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,018 га. бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш расмиси қуриш учун мўлжалланган 3-сонли ер участкасининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи — 2 950 000 сўмга;

Чилонзор тумани, «Чилонзор» даҳаси, 10-мавзе, Тахтагўла кўчасида жойлашган, сатҳи 0,024 га. бўлган, савдо ва маиший хиз-

мат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи — 4 050 000 сўмга;

Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, Тошкент автомобиль халқа йўлида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган, икки қаватли савдо дўкони қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи — 4 340 000 сўмга;

Юнусобод тумани, 18-мавзе, В.Высоцкий кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га.дан бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 1,2-сонли ер участкаларининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи — ҳар бири 5 750 000 сўмдан сотилди.

Автотранспорт воситалари:

«Chinobod neft bazasi» унитар корхонасига қарашли д/р 10 АҚ 963 бўлган «ВАЗ-2107» русумли а/в — 855 000 сўмга; д/р 10 АН 425 бўлган «ВАЗ-2121» русумли а/в — 990 000 сўмга; д/р 10 АҚ 666 бўлган «УАЗ-2206» русумли а/в — 1 100 000 сўмга;

«Давлат белиси» давлат ишлаб чиқариш бirlашмасига қарашли Тошкент қоғоз фабрикасининг д/р 10 УЗ 971 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в — 1 405 000 сўмга;

«13-Кўприк қурилиш отряди»нинг д/р 10 АР 543 бўлган «Эсперо» русумли а/в — 2 650 000 сўмга;

Яккама-якка қуриш бўйича республика Олий спорт маҳорати мактабининг д/р 10 АЛ 233 бўлган «Тикон» русумли а/в — 1 700 000 сўмга;

«Ўзбекистонга» ДАК Ишлар бошқармаси унитар корхонасининг д/р 10 АР 260 бўлган «Нексия» русумли а/в — 3 600 000 сўмга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг д/р 10 РР 372 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в — 2 450 000 сўмга; д/р 10 РР 279 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в — 2 550 000 сўмга сотилди.

Гувоҳнома № 000815

«GREAT SILK ROAD SERVIS»

масъулияти чекланган жамияти Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 95-уйда жойлашган «Фарғонанон» ХЖ-нинг 19041 дона 60% оддий нақдсиз акцияларини биржа орқали сотиб олаётганлигини маълум қилди.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №5 на 2006 год на приобретение ниже перечисленных запасных частей и оборудования по лотам с поставкой согласно графика (3-4 квартал 2006 года).

1. Цельнокатаное колесо РУ 950 ступица 175 для грузовых вагонов в количестве 1600 штук.

2. Тяговый электродвигатель типа НБ-514 для электровазозов серии ВЛ80с в количестве 24 штук.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўленилгитамин», комната 410.

Тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 октябрь 225-сонли «Давлат гранти асосида тахсил олган таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги буйруғида белгиланган вазифалар ихросини таъминлаш мақсадида, 2005-2006 ўқув йилида битираётган иккита шарқ ва битта ғарб тилини мукаммал эгаллаган бш мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда вилоятлар кесиминда келтирилмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда бизнинг бш кадрларимизга мавжуд бўлган эҳтиёжни шу йилнинг 20 майига қадар манзилимизга юборишингизни сўраймиз.

Таълим йўналишлари мутахассисликлари	2005-2006 ўқув йили битирувчилари					Корақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Наманган	Навий	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вилояти	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри	Чет эллик
	умий сон	жумладан шарт-жоя	бюджет	бюджет	бюджет															
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

БАКАЛАВРИАТУРА

1. Шарқ филологияси	153	95	58	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	10	6	1	1	129	1
2. Хорижий мамлакатлар тарихи	32	17	15	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	28	—
3. Марказий Осиё халқлари тарихи	37	23	14	—	2	2	—	—	—	—	—	1	2	1	1	1	—	1	26	—
4. Шарқ фалсафаси	25	16	9	—	—	—	—	—	—	—	—	—	2	—	3	2	—	—	17	—
5. Сийватунослик	24	13	11	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	3	2	—	—	18	—
6. Диншунослик	25	19	6	—	1	—	1	—	—	—	—	—	—	—	2	8	—	—	13	—
7. Халқаро муносабатлар	77	58	19	—	5	7	—	3	1	1	1	1	1	1	6	5	—	2	45	—
8. Хорижий мамлакатлар иқтисоди	70	41	29	2	—	—	—	—	—	—	—	2	—	—	8	3	—	2	53	—
9. Жаҳон иқтисоди ва ХИМ	78	53	25	—	1	1	—	1	—	1	—	3	1	1	6	6	2	2	53	1
ЖАМИ	521	335	186	4	11	11	2	5	1	1	12	6	3	40	33	3	7	382	1	

МАГИСТРАТУРА

1. Адабиётшунослик	13	8	5	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	13	—
2. Лингвистика	27	17	10	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	24	1
3. Таржима назарияси	10	6	4	—	—	—	—	—	1	—	—	—	—	—	3	—	—	—	6	—
4. Адабий маъшунослик	9	5	4	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	9	—
5. ХМТ	16	7	9	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	1	—	—	13	—
6. Тарихшунослик, манбашунослик	15	10	5	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	2	—	11	—
7. Исломунослик	12	9	3	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	2	—	—	9	—
8. ХМ тарихи ва назарияси	44	41	3	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	2	1	1	39	—
9. Хорижий мамлакатлар иқтисоди	40	35	5	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	39	—
10. Жаҳон иқт. ва ХИМ	31	30	1	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	3	1	—	—	26	—
11. Маркетинги бошқариш	15	14	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	2	—	—	13	—
12. Халқаро тизимлар ва глобал ривож, сийсий муаммолари	8	7	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	6	—
ЖАМИ	240	189	51	1	—	1	—	1	—	1	1	1	1	1	11	10	1	3	208	1

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 16-уй, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, «Маркетинг хизмати» бўлими. Телефон: 152-65-83. Факс: 120-65-65.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbob SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihdin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida OOB-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 750
11058 nusxada bosildi
t — Tuzatuv matnuzasi
O'za yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda